Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 194 (7684). ● 10 октябрь, 1981 йил ✦ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ЭРТАГА—БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ.

БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР!

ПАХТА АНИҚ МАРОМДА ТЕРИБ ОЛИНСИН

Пахтазорлар оппоқ чойшаб билан бурканғандек. Мана шу пахтазорларда эрта тонгдан қош қорайгунча юз минглаб кишилар, кўпдан-кўп машиналар ишлаб турибди. Ҳосилни оммавий равишда териб олиш пайти келди. Галла каби пахта ҳам ватанимиз бебаҳо бойлигидир. Жажжи пахта чаноғи халқ хўжалигига қимматли хом ашё беради, унга бўлган талаб-эҳтиёж муттасил ортиб бормоқда. Шу беш йилликда ССРнн иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида пахта тайёрлаш ўртача йиллик ҳажмини 9,2—9,3 миллион тонна миқдорида таъминлаш, унинг сифатини яхшилаш, энг қимматли ингичка толали нав пахта етиштиришни кенгайтириш кўзда тутилган.

Мамлакатда шу вазифани муваффақиятли ҳал этмоқ учун кўп ишлар қилинмоқда. Мелиорация системалари қурилишига, суғориладиган майдонларни кенгайтириш ва яхшилашга катта-катта ресурслар ажратилмоқда. Колхоз ва совхозлар янги техника билан таъминланмоқда, малакали механизатор кадрлар тайёрлаш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот докладида қайд этиб ўтганидек, эндиликда ерлардан, ҳусусан мелиорацияланган ерлардан, шунингдек машиналар, ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини қатъий ошириш, экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш зарур.

Белгиланган марраларга эришишни, халқ хўжалигининг муҳим тармоғини янада ривожлантиришни пахтакор республикаларнинг меҳнаткашлари ўзларининг ватанпарварлик бурчи деб ҳисоблайдилар. Улар беш йилликнинг биринчи йилида қабул қилинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун мусобақани авж олдириб, суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш, кўпроқ маҳсулот олиш учун талайгина куч-ғайрат сарфламоқдалар. Баҳорда пахтазорларнинг бир қисмига чигитни қайта экишга тўғри келди. Аммо экинлар меҳр билан парваришланган, илғор технология қўлланилганлиги кўпгина районларнинг деҳқонларига мўл ҳосил етиштириш имконини берди.

Куз кўп ойлик меҳнат якунларини чиқараётган ҳозирги пайтда юксак уюшқоқлик кўрсатиш, ҳосил йиғим-теримини гоят қисқа муддатларда уддалаш, пахта нобудгарчилигига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун пахтакор республикаларнинг колхоз ва совхозлари яхшигина имкониятларга эга. Уларнинг техника паркида 55 мингдан зиёд комбайн, бошқа кўп машиналар бор. Хўжаликларда ипатоволиклар методи асосида ишлаётган беш мингтадан ортиқ терим трактор комплекслари тузилган. Ҳар бир агрегатдан икки сменада фойдаланиш, нигчка толали пахта далаларига алоҳида эътибор бериш, уларни машина теримига яхшироқ тайёрлаш керак.

Шу кунларда механик-ҳайдовчилар жиддий синовдан ўтмоқдалар, йиғим-теримнинг суръати ва сифати биринчи навбатда уларнинг маҳоратига боғлиқдир. Механик-ҳайдовчиларнинг кўпчилиги ишда ташаббус кўрсатиб, юксак натижаларга эришмоқдалар. Масалан, Ўзбекистонда ҳосилнинг 85 процентини машиналарда териб олишга қарор берган Тошкент области пахтакорларининг ташаббуси кенг қулоч ёйган. Туркманистонда Халач районидаги «Коммунизм» колхозининг деҳқонлари машина-механизмлардан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар. Озарбайжон ССРдаги Барда районида Тарлан Мусаева мусобақада пешқадамлик қилмоқда: у ҳозирдаёқ комбайн бункеридан 600 тоннадан кўпроқ пахта тўкди. Тожикистон ССРнинг Мастчоҳ районидаги Жданов номли колхоз механизаторларидан Раҳмон Ҳўжаев ва Сафар Назаровлар агрегатнинг сменалик иш унумини 18 тоннага етказдилар. Хўжаликларда юксак меҳнат унумдорлигига эришаётган бундай мисолларни кўп эмас.

Энг яхши механизаторларнинг муваффақиятлари, илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, техникани моҳирлик билан қўлланиш ҳосил йиғим-терими муддатларини анча қисқартириш, меҳнат сарфини ва маҳсулот таннархини пасайтириш имконини беради. Аммо машиналардан ҳамма жойда ҳам тўла самара билан фойдаланилаяпти деб бўлмайди: баъзи хўжаликларда машиналар фақат бир смена ишлатилмоқда, носозлиги сабабли баъзан бекор туриб қолмоқда. Масалан, терим бошланишига қадар Ўзбекистон ва Туркманистон ССРда юзлаб агрегатлар созланмай қолган экан. Уларни тезроқ ишга солишда хўжаликларнинг, «Госкомсельхозтехника» бирлашмаларининг инженерлик хизмати мутахассисларига талабчанликни ошириш, ҳар бир агрегатнинг тайёрлиги ва ундан қандай фойдаланилаётганлиги учун қатъий жавобгарликни белгилаб қўйиш керак.

Деҳқонлар ва уларнинг пахтани қабул қилиб қайта ишлайдиган шериклари ўртасида қалин ҳамкорлик бўлган тақдирдагина «дала—бункер—тайёрлов пункти» конвейерининг бир маромда ишлашини таъминлаш мумкин. Хом ашёнинг асралиши, унинг сифати кўп жиҳатдан пахта тозалаш саноати корхоналарининг коллективларига боғлиқ. Ҳолбуки баъзи жойларда ана шу корхоналарнинг аҳволи ташвиш тугдирмоқда. Салкам 120 та тайёрлов пункти ҳалигача қуритиш-тозалаш цехларига эга эмас. Республикаларнинг Қишлоқ қурилиши, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликларига қарашли бўлинмалари, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги министрлигининг корхоналари шундай цехларни қуриш ва уларни машина-ускуналар билан таъминлашда суст-кашлик қилмоқдалар.

Ҳосилни терб олиш учун куз қисқа вақт ажратган. Шу боисдан ҳам кишилар зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Йиғим-терим қатнашчиларига умумий овқатланишни, медицина хизмати, маданий ва маиший хизматни ташкил этиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассисларининг, партия ташкилотларининг энг биринчи бурчидир. Қишлоқ коммунистлари олдида алоҳида вазифа турибди. Улар далалардаги оммавий-сиёсий ишни шундай йўлга қўйишлари керакки, бу иш пахта йиғим-теримида мусобақанинг кенг авж олиб кетишига ёрдам берсин. Пахта териш машиналарининг барча ҳайдовчиларини илғорларнинг тажрибасидан баҳраманд қилиш, пахта теримининг мавсумий нормасини тўла ва ошириб бажаришда ҳар бир агрегатнинг экипажига ёрдам бериш муҳим вазифадир.

Йиғим-теримнинг долзарб палласида келгуси ҳосил тўғрисида ҳам унутмаслик керак. Беш йиллик иккинчи йили планларини белгилай туриб ҳар бир хўжаликнинг резервлари ва имкониятларини яхшироқ ҳисобга олиш, илғорларнинг тажрибасини чуқурроқ ўрганиш зарур. Келгуси йили чигитни қайси майдонларга экишни, уларга ўз вақтида ишлов беришни, ўғит билан таъминлашни, сифатли уруғлик чигит ғамлаб қўйишни, шўрювиш ва яхоб бериш ишларини ўтказишни ҳозирнинг ўзидаёқ кўзда тутиш лозим. Ҳуллас, ҳосилдорликнинг ўсишига тезроқ эришмоқ учун ҳамма ишни қилиш керак.

Пахтакорнинг меҳнати қийин ва шарафлидир. Гўзанинг ҳар бир тупи, ҳар бир чаноғи пахтакорнинг меҳрибон қўлларини кутиб турибди. «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади, деб айтилаётганлиги бежиз эмас. Пахтакор республикаларнинг меҳнаткашлари учун бугунги кунда ҳосилни қисқа муддатларда ва нобуд қилмай териб олишдан, толанинг яхши сифатли бўлишини таъминлашдан, давлатга пахта сотиш юзасидан беш йиллик биринчи йилининг плани ҳамда социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этишдан кўра юксакроқ ва олижаноброқ мақсад йўқ.

(«ПРАВДА» газетасининг 3 октябрдаги бош мақоласи).

ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАСИ 400.000 ТОННАГА ЕТДИ

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ИЛҒОР МЕХАНИЗАТОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

ЎТГАН КУНИ областимиз пахтазорларида 2547 та терим агрегати юксак унум билан ишлади. Ҳар бир машина бункеридан ўртача 4,8 тоннадан пахта тўкилди.

Машина теримини уюштиришда Коммунистик, Ўрта Чирчиқ ва Ғалаба районлари дала гвардиячилари ҳамон илғорликни қўлдан бермаётирлар. Бу районларда ўтган куни ҳар бир машина билан 5,4—6,3 тоннадан «оқ олтин» териб олинди.

Терим агрегатларини юксак унум билан ишлатаётган илғор механик-ҳайдовчилардан ўрнак олинг!

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

КОММУНИСТИК. «Ленинский путь» колхози меҳнаткашлари кейинги беш кунликлар давомида терим суръатини ошириб, давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Ҳар гектар майдондан 34,8 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, қабул пунктларига 4018 тонна хомашё етказиб берилди.

Геннадий Хегай бошлиқ юқори ҳосилли бригада коллективи хўжалик хирмонига баракали ҳисса қўшди. Бригадада ҳосилдорлик 35 центнердан ошди.

Дастлабки довондан ошган колхоз зарғунослари давлатга яна 820 тонна «оқ олтин» сотиш учун қурашни қизғин давом эттирмоқдалар.

РАҲМАТ, ШАҲАРЛИК БИРОДАРЛАР

ЧИРЧИҚ шаҳридаги саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари ишчи-хизматчилари барча шаҳарликлар қатори пахтакорларга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар шу кунларда Ўрта Чирчиқ районидаги бир қатор хўжаликларда ўзаро мусобақалашиб пахта теришмоқда. Хатарчиларнинг шу кунгача район хирмонига қўшган ҳиссалари 2930 тоннадан ошди. 12500 кишидан зиёд шаҳарлик ёрдамчи кунига 450 тоннадан зиёд пахта териб бермоқда.

Ўзаро меҳнат беллашувида пешқадамлик қилаётган 2-автобаза ходимлари бир кунда ўртача 80 килограммдан, 160-қурилиш трести бунёдкорлари эса 50 килограммдан «оқ олтин» термоқдалар.

Шаҳар маданият уйи бадиий ҳаваскорлари хатарчинлар ҳузурида тез-тез бўлишиб, уларга концерт қўйиб беришаётир. Ўтган куни «Ритм» ва «Мелодия» ансамбллари мусобақада пешқадамлик қилаётган 160-қурилиш трести Трансформатор заводи ишчилари ҳузурида бўлишди.

ҚАҲРАМОН БОШЛИҚ БРИГАДА МАРРАДА

«БЎКА» совхозининг Ўринбой Норқўзиев бошлиқ 1-бўлими пахтакорлари 380 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб йиллик планни бажарганликлари ҳақида галаба рапорти бердилар. Қабул пунктларига топширилган 1191 тонна пахтанинг 1040 тоннаси машиналарда йиғиштириб олинди.

Бўлим коллективининг йиллик планни барвақт бажаришида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мариз Ковалева ўзлик бригада аъзоларининг ҳиссаси каттадир. Улар шу кунгача ҳосилдорликни 35 центнердан ошириди. Қаҳрамоннинг шогирди Ўрозгул Бакирова ўзи бошқараётган «зангори кема» бункеридан 205 тонна «оқ олтин» тўкди.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

ПИСКЕНТ РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИЛАР

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирган Пискент райони пахтакорлари катта меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Давлатга 42 минг 280 тонна «оқ олтин» етказиб берилиб, йиллик план муддатидан илгари 9 октябрь куни бажарилди. 13940 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарилди. Қабул пунктларига етказиб берилган хом ашёнинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. 36400 тонна пахта ёки жами ҳосилнинг 87 процента «зангори кема» бункерларидан тўкилди.

Йиллик планнинг барвақт бажарилганлиги район партия, совет, хўжалик органларининг катта ташкилотчилик ишлари, колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг, барча мутахассисларнинг фидокорона меҳнатлари самарасидир.

«Гулистон», Тельман номли, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Свердлов номли, Охунбобоев номли колхозлар умумий хирмонга баракали ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларда ҳосилдорлик ҳозиргинг ўзидаёқ 35 центнердан ошиб кетди.

Бу йил районда машина теримига, айниқса, катта эътибор берилди. Механизаторлар ўртасида меҳнат беллашуви кенг қулоч ёйдирилди. Социалистик мусобақада мунтазам пешқадамлик қилган Ҳ. Қораев, Қ. Раҳимов, А. Мирзаев, А. Абдувалиев, Н. Ҳакимов сингари тажрибали дала гвардиячилари ҳозиргача 180—250 тоннадан пахта териб, планнинг бажарилишини тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Район хўжаликларида юқори ҳосилли бригадалар сафи йил сайин кенгайиб бораётир. Бу йил ҳам ўнлаб бригада коллективлари 50—60 центнерчилик ҳаракатига қўшилиб, далаларда мўл ва эртаки ҳосил етиштиришга эришдилар. «Гулистон» колхозидан Абдуғани Назарқулов, Анорқул Умарқулов, Тельман номли колхоздан Азиз Чахалов, Илҳом Миёнов, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан Карим Хўжабоев, Свердлов номли колхоздан Тоштемир Акбаров, Қобил Қаршибоев сингари тажрибали деҳқонлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳар гектар ердан 38—42 центнердан хирмон кўтарилди.

Дастлабки марра эгалланди. Аммо, пахтазорларда йиғим-терим жадал суръатларда давом этмоқда. Пайкалларда ҳосил мўл. Ана шу имкониятларни ҳисобга олган район меҳнаткашлари 20 октябргача умумий хирмон салмоғини 52 минг тоннага етказиб, зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятни ҳам муваффақиятли бажаришга аҳд қилдилар.



ОЛТИН ОҚИМ

ПАХТА юкланган сўнгги транспорт трактори қабул пункти томон йўл олгач, Йўлдош Раҳимов дала шийпонидаги сўригa ёнбошлаб толиққанини ҳис этди. Узи ҳам узоқ кун тиним билмади. Уфқ бўзара бошлагандаёқ у уругликка ажратилган пайкал бошига етиб келган эди. Бригада аъзоларининг ҳаммаси далага чиққанлигини аниқлагач, уларга фақат чаноқлардаги лўппи очилган пахтани теришни қайта-қайта уқтирди. Бироздан сўнг бу ерга тележка тиркалган транспорт трактори, осма тарозиси билан ҳисобчи етиб келганлигини кўргандан сўнггина теримчилар ишига унум тилаб, қўшни пайкал томон йўл олди.

Бу ерда механик-ҳайдовчи Маҳамаджон Одилов терим агрегатини пахтазорга олиб киришдан аввал шийпонлардаги кўздан кечирар эди. Ҳозир Маҳамаджон уларнинг суянган тоғи. Механизатор бу масъулиятни яхши билади. У «зангори кема»сн бункеридан хирмонга тўкаётган «оқ олтин» ҳозир ҳам баракали. Мана, кеча машинасида терган пахтаси тўрт тоннага етибди. Бу — бригада пахта тайёрлаш планининг икки процентн, деган гап.

— Ҳа, Маҳамаджон тинчликми?

— Ҳаммаси жойида,—деди механик-ҳайдовчи бригада бошлиғининг ташвишли нигоҳини сезиб.— Ҳозир теримни бошлайман.

— Вақт ғанимат. Бугун ҳам бир ғайрат қилиб, кечагидан кўпроқ пахта териб берасан, деган умиддамиз.

— Ҳаракат қиламан.

Маҳамаджон чаққонлик билан машина кабинасига кўтарилиб моторни юргизиб юборди. Бригадир бункерга қордек паға-паға ёғилаётган пахтага завқ билан тикилиб қолди. Далада ҳосил мўллигн шундан ҳам кўриниб турибди. Машина теримини бошлашган пайтларда ҳисоб-китоб қилишганда, ҳар гектардан 30 центнердан зиёдроқ пахта йиғиштириб олинаётганлиги маълум бўлди.

Бригада бошлиғи пахта териш машинаси ишлаётган пайкал бошига ўз вақтида тележкалар келтириб қўйилиши чораларини кўрди. Сўнг шийпонда тушликка тайёрланаётган таом билан қизиқди. Яна теримчилар, механизаторлар ишидан хабар олди. Бу ташвишлар бирдан кун ботганини ҳам сезмай қолди.

Ҳисобчи Йўлдош акага кўл теримн натижаларини айтди. Улар ҳам астойдил ғайрат қилишибди. Айниқса, район Советининг депутати Аноржон Кенжаева ва Тожиниса Умурзоқовалар жонбозлик кўрсатишмоқда. Бугун ҳам улар 100—120 килограммдан пахта теришибди. Чеварларнинг мавсум бошидан бери хирмонга тўккан дур-жавоҳирлари эса 3 тоннадан ҳам ортиб кетган.

Йўлдош Раҳимов ўтган кунги ишлари якунидан мамнун эди. Тайёрлов пунктига 5 тележка пахта жўнатишди. Демак, планнинг 3 процентн миқдорида пахта топширишган, зафар марраси сари яна бир катта одим ташлашган.

Ленин номли колхознинг бу бригадаси коллективи ўн биринчи беш йилликнинг тўнғич йилида ҳар гектар майдондан 45 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олиш иштёқида. Далаларда бу мажбуриятга яраша ҳосил етиштирилган. Уни териб олиш ҳам жадал. Хўжалик пахта тайёрлашда Янгийўл районида карвонбошилик қилаётган бўлса, бригада аъзолари колхозда пешқадамлар сафидадирлар.

Пахтазорлардан қабул пунктлари томон йўл олаётган «оқ олтин» карвонларининг кети узилмайди. Бу эрта тонгдан ярим кечагача пахтазорда жавлон ураётган механик-ҳайдовчи ва теримчилар шижоатидан куч олаётган олтин оқимдир.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

БЕКОБОД районидаги «Ленинград» совхозининг 1-бўлими пахтакорлари мавжуд 420 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 25 центнер ўрнига 27 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиб, йиллик планни совхозда биринчи бўлиб бажардилар. Шу кунларда бўлим далаларида юксак мажбурият ҳисобига пахта топшириш қизғин давом этмоқда. Суратларда: (чапда) илғор механизатор Карим Ражабов; (ўртада) бўлим халқ контроли группасининг аъзоси Умар Эрқораев, бўлим бошлиғи Салохиддин Маҳкамов ва ишчи Омон Усмоновлар пахта сифатини кўздан кечиришмоқда; (ўнгда) илғор бригада бошлиғи коммунист Абдураҳмон Баҳовуддинов механизаторлар Мурод Муҳаммадиев ва Санд Боховуддиновлар билан.

Т. Маҳкамов фотолари.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 9 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

ҒАЛАБА	3,50	107,58	3,59	112,16
БЎКА	2,50	106,56	2,16	106,19
Пискент	3,90	96,40	3,64	101,99
Ўрта Чирчиқ	3,30	93,78	3,44	100,14
Коммунистик	4,50	90,67	4,56	84,53
Оққўрғон	3,06	90,17	2,36	76,73
Бекобод	3,00	80,19	3,05	71,95
Янгийўл	2,36	78,19	2,79	59,91
Чиноз	3,50	77,53	2,80	75,83
Область бўйича:	3,26	92,33	3,37	98,15

ҲОРМАНГ, АЗАМАТЛАР!

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ КУНДАЛИГИ

(9 ОКТЯБРГАЧА)

ЧИНОЗ РАЙОНИДАН

Т. ОХУНОВА — Киров номли колхоз механик-ҳайдовчиси—377 тонна.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАН

С. КАРИМОВ—Х. Охунжон номли колхоз механик-ҳайдовчиси—248 тонна.

Н. АДАМЕНКО — С. Сергизбоев номли совхоз механик-ҳайдовчиси—203 тонна.

Ч. НОРБЎТАЕВ—«Ленинизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси—210 тонна.

ҒАЛАБА РАЙОНИДАН

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ — «Ленинград» колхози механик-ҳайдовчиси — 284 тонна.

Ў. НИШОНОВ — «Победа» колхози механик-ҳайдовчиси — 284 тонна.

СССР 60

ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ

АНГРЕНЛИК ҲАШАРЧИЛАР БЎКА РАЙОНИ ДАЛАЛАРИДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

Ангренлик ишчилар ва бўкалик деҳқонлар ўн уч йилдан бери меҳнатда ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Корхоналар меҳнаткашлари, ташкилотлар, муассасаларнинг хизматчилари, олий ўқув юртлари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртларя ва мактабларнинг студент ва ўқувчилари бўкаликларга пахта етиштириш ва териб олишда яқиндан ёрдам беришяпти.

Ангренликлар айниқса терим мавсумида зарбдор меҳнат намунасини кўрсатяптилар. Ҳозир минг-минглаб шаҳарликлар хашарга чиққанлар. Улар дала меҳнаткашлари билан елкама-елка туриб давлатга «оқ олтин» топшириш юзасидан олинган юксак мажбуриятларини бажаришда кўмаклашмоқдалар.

Ангренликлар область шаҳарлари ўртасида пахта терими мусобақасида йил сайин пешқадамлик қилишмоқда. Бу йил ҳам дастлабки беш кунлик якунларига кўра улар биринчи ўринни олиб, область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлдилар.

БУРЧГА САДОҚАТ

Областимиз пахта пайкалларида ҳамон қайноқ меҳнат нафаси уфурмоқда. Ҳар бир хўжаликда, ҳар бир бригадада, ҳар бир районда йиғим-терим мавсумини тез ва соз ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти.

Ўтган йили ҳам республикамизда биринчи бўлиб планни бажарган Бўка районининг азамат пахтакорлари бу йил ҳам улкан ғалабани қўлга киритишди. Биринчи давон забт этилди. Навбат — мажбурият.

Район пахтакорларининг мана шу улкан меҳнат муваффақиятига биз ангренлик меҳнаткашлар ҳам муносиб ҳисса қўшаётганлигимиз билан фахрланамиз. Ҳар йили пахта йиғим-теримида шаҳарлик минглаб инженер-техник ходимлар, ишчи ва хизматчиларнинг пахтазорларда тер тўкиши анъана тусига кириб қолган. Бу йил ҳам худди ана шу оталиқ ёрдами самарали давом этмоқда.

«Бугун биз ҳаммамиз пахтакормиз» — ангренлик ҳашарчилар ана шу шиор остида зарбдорчанга ишлашмоқда. Бизда бирон та саноат, қурилиш, транспорт ташкилоти, ўқув юрти ёки муассаса йўқки, уларнинг вакиллари пахта теримида иштирок этмаётган бўлсин. Ҳаммаси бўлиб 54 та корхона ва ташкилотлар, 9 ўқув юрти талабалари, 29 ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари терим мавсумида актив иштирок этишяпти. Ҳар куни пахтазорларга 14 мингдан ортиқ ҳашарчи чиқяпти. Шуниси қувончлики, улар яхши ишлашмоқда. Масалан, октябрь ойининг биринчи беш кунлигида ҳар бир теримчи ҳисобига 47,3 килограмм пахта тўғри келди. Резина-техника заводининг теримчилари эса бу кўрсаткични 71 килограммга етказишди. Шунингдек, медицина билим юрти талабалари, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари ва бошқа кўплаб ташкилот ҳамда муассасаларнинг вакиллари зарбдорчасига ишлашмоқда.

Ҳозиргача биз Бўка «оқ олтин» хирмонига 5 минг тонна пахта етказиб бердик.

Ердамчи теримчилар меҳнатини тўғри ташкил этиш, уларга барча маданий-маиший шароитларни яратиб бериш, улар ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириш, бу мусобақа якунлари бўйича моддий ва маънавий рағбатлантиришни яхши йўлга қўйиш туфайли юксак суръатга эришмоқдамиз.

Бу тадбирларни биз олдиндан белгилаб олдик. Шаҳар партия комитетининг бюроси кишиларни теримга сафарбар қилиш, турар-жой маиший шароитларни яратиш бўйича аниқ режаларни ишлаб чиқди. Бу ишлар билан махсус тузилган штаб шуғулланяпти. Штаб аъзолари ўз фаолиятини ҳашарчилар районга кедмасдан олдин бу ерда бўлиб, район раҳбарлари билан бирга-ликда теримчилар истиқомат қиладиган жойларни тайёрлаш, зарур шароитларни яратишдан бошладилар. Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳар корхоналари Бўка районидаги колхоз ва совхозлар билан ҳамкорлик қилаётганига 12 йил бўлди. Кўп корхоналар хўжаликларга дала шийпонларини қуриб бериш, машина ва механизмларни ремонтдан чиқариш сингари ишларда ҳам ёрдам бериб келишяпти.

Бизда ҳозир шаҳар ва район штаби ишлаб турибди. Ҳамза номли колхоз правлениесидаги штабга партия, совет, комсомол ва касаба союз органлари раҳбарлари аъзо қилиб олинган. Уларнинг ҳар бири йиғим-терим билан алоқадор маълум ишларга масъул қилиб қўйилган. Шунинг учун ҳам теримда барча ишлар аниқ ва пухта ташкил этилиб, юқори кўрсаткичлар қўлга киритилмоқда.

Мусобақа — муваффақиятлар гарови. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги меҳнат беллашувига ҳар куни якун ясаляпти. Бу эса яхшн тажрибаларни оммалаштириб, камчиликларни оператив равишда тугатиш имконини бермоқда.

Комсомол-ёшлар зарбдор бригадалари мусобақанинг олдинги сафида борнб, бошқаларга намуна бўлишяпти. Бундай бригадалар деярли барча коллективларда ташкил этилган. 27 зарбдор комсомол отряди актив фаолият кўрсатяпти. Жумладан, «Политехник» комсомол-ёшлар отрядига шаҳардаги ўнлаб корхоналарнинг ишчилари ва Тошкент политехника институтининг Ангрендаги 2-филиалида ўқийдиган ишчи студентлар уюшган. Бу отрядниng ҳар бир теримчиси кунига ўртача 68 килограммдан «оқ олтин» териб топширяпти. Пешқадамлар резина-техника заводидан Зуҳра Суттибоева, 15-кўчма механизациялашган колоннадан Карим Ҳакимов, ремонт қурилиш бошқармасидан Рамазон Шералиев ва бошқалар ҳар куни хирмонга 180—220 килограммдан пахта тўкмоқдалар. Улар мавсум бошидан буён 1400—1500 килограммга етказиб «оқ олтин» териб беришди.

Коллективлар ўртасида 15-ўрта мактаб комсомол-ёшлар отряди, керамика комбинати, резина-техника заводи зарбдор отрядлари ғолиблар сафида боришяпти. Шунингдек, ҳашарчилар хирмонига шаҳарнинг 12 пахта териш агрегатида моҳирона ишлаётган механик-ҳайдовчилар қўшаётган ҳиссса ниҳоятда салмоқлидир.

Комсомол-ёшлар зарбдор бригадалари ўртасидаги меҳнат беллашувига алоҳида якун ясаляпти. Ғолиблар Ангрен шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети ва комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи, вимпеллар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланмоқда. Мусобақа якунлари эса шаҳар «Ангренская правда» газетасида кенг ёритиляпти. Штаб ҳузурида деворий газеталар, «Чақмоқ»лар ва танқидий варақа «Қалампир»лар мунтазам чиқарилянти. Шунингдек, Ҳурмат тахтасидан энг илғор теримчиларнинг суратлари ўрин олмоқда.

Биз амалда мусобақанинг бу формаси яхши натижалар беришини синовдан ўтказдик. Жумладан, ўтган терим мавсумида ангренликлар район «оқ олтин» хирмонига 15 минг тонна ҳисса қўшдилар. Беш кунлик якунларига кўра беш марта область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритган эдик. Область мусобақасида медицина, педагогика билим юртлари ва 25-ўрта мактаб бир неча марта ғолиб чиқишди.

Бу йил ҳам ангренликлар анъанага содиқ қолиб, ғолибликни қўлдан беришмаяпти. Биринчи беш кунлик якунларига кўра Ангрен шаҳри ҳашарчиларига ва медицина билим юртига область кўчма Қизил байроғи топширилди.

Бу юксак мукофотга жавобан ангренликлар терим суръатини тобора оширавередилар.

В. БЕРЕЗОВСКИЙ,
Ангрен шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, пахта йиғим-терими штабининг бошлиғи.



АНГРЕН медицина билим юрти студентлари кунига 27—30 тоннага етказиб «оқ олтин» териб ҳашарчилар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Улар октябрь ойининг биринчи беш кунлигида бу мусобақада ғолиб чиқиб, область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Суратда: кўчма Қизил байроқни топшириш пайти. А. Мальцев фотоси.

ДЕҲҚОНЛАР РАҲМАТ ДЕМОҚДАЛАР

Ангрен медицина билим юртининг ҳашарчилар коллективи октябрь ойининг биринчи беш кунлигида эл хирмонига 270 тонна «оқ олтин» топшириб, область бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Улар область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдилар.

Ўтган йили ҳам йиғим-теримда яхши натижага эришиб эл хирмонига 300 тонна ҳисса қўшган коллективимиз икки марта мана шу кўчма Қизил байроқни олган эдилар. Бу йил ана шу кўрсаткични оширишни мўлжаллаб турибмиз. Ҳозиргача териб олинган ҳосил эса 200 тоннага етди. Ўтган беш кунликда 300 теримчининг ҳар бири хирмонга 86 килограммдан пахта тўкди. 3 октябрда эса рекорд кўрсаткичга эришдик — ҳар бир киши ҳисобига 96 килограммдан пахта териб топширдик.

Теримчилар, мавжуд 4 та бўлим ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Ҳозир ақушерлик ва фельдшерлик бўлимларининг талабалари олдинги сафда боришмоқда. Уларнинг ҳар бири кунига ўртача 96—100 килограммдан пахта териб беришмоқда. Шахсий меҳнат беллашувида эса С. Режаматова, К. Ҳайдарова, З. Дўсиева, М. Кенжаева, Н. Эргашева, Р. Умархонова, Р. Дўсибоева, С. Қаюмова, К. Дўстоева, С. Сулаймонова каби талабаларимиз илғорликни қўлдан беришмаяпти. Уларнинг ҳар бири кунига 150—200 килограмм «оқ олтин»ни эл хирмонига топширмоқдалар. СССР Конституцияси кунида биринчи беш кунлик якунлари бўйича ғолибларни тақдирлаш маросимида бизнинг ўнлаб илғорларимиз қимматбаҳо совғалар билан тақдирланганлиги ҳар биримиз учун ёқимли ва фахрлидир. Жумладан, бир кунда 220 килограммгача етказиб, пахта терган Сайёра Режаматовага ғалам, К. Ҳайдарована палос мукофоти топширилди. 13 киши эса пул мукофотлари билан тақдирланди.

Бўлимлараро мусобақада «Ҳамшира» комсомол-зарбдор отряди олдинда бормоқда. 60 кишидан иборат бу отряд аъзолари ҳақиқатан ҳам комсомолчасига зарбдор меҳнат қилишиб, бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Ўтган «XIX партсъезд» ва Ҳамза номли колхозларнинг меҳнаткашлари бўлгуси ҳамширалар кўрсатаётган ёрдамдан миннатдор бўлишяпти.

Теримчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш намунали ташкил этилган. Жумладан, билим юртимизнинг 10 кишидан иборат бадиий ҳаваскорлик коллективининг маданий хизматидан ҳашарчиларгина эмас, барча қишлоқ меҳнаткашлари ҳам мамнун бўлишяпти. Талаба Сувонқул Темиров раҳбарлик қилаётган бу агитколлектив ҳар куни ҳамма қатори соат етти яримда пахтазорга чиқиб меҳнат қилади. Соат бешдан кейин эса уларга жавоб берамиз. Ҳаваскорлар кечқурун ҳашарчилар ҳамда колхозчилар ҳузурида концерт қўйиб беришга ҳозирлик кўришади. Куни билан унумли меҳнат қилган кишилар бадиий ҳаваскорлар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқларни тинглаб, мириқиб ҳордиқ чиқарадилар.

Биринчи беш кунлик якунлари бўйича қўлга киритилган юксак мукофот коллективимиз теримчиларини янги-янги ғалабалар сари илҳомлантирмоқда.

Х. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ангрен медицина билим юртининг директори.

ЯХШИ КАЙФИЯТ ҲАМРОҲ БЎЛСА

Пахта терими авжга чиққан ҳозирги кунларда Ангрен шаҳри партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари далаларда ишлаётганлар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш юзасидан белгиланган чораларни амалга оширмоқдалар. Шаҳардан чиққан ҳашарчилар районлаги 14 та хўжаликка ёрдам беришяпти. Улар клуб, мактаб ва дала шийпонларида яшайдилар. Шу боисдан ҳам бу биноларни оталиқ корхоналар теримдан аввал ремонтдан чиқардилар.

Районда ишлаб турган штабимиз теримчиларга медицина хизмати кўрсатишга алоҳида аҳамият бермоқда. Оталиқдаги ҳамма хўжаликларда медицина пунктлари очилган. Ҳамза ва Ильич номли колхозларда эса тез медицина ёрдами кўрсатиш пунктлари ишлаб турибди. Уларда шифокорлар кун бўйи навбатчилик қиладилар. Ҳозир 80 врач, фельдшер ва медицина ҳамшираларн теримчиларга хизмат кўрсатишяпти.

Шаҳар клублари ва маданият уйларида маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида бешта агитбригада, 16 та кўчма кутубхона ташкил этилган. Шаҳар марказий кутубхонаси резерв фондидан 3 мингдан зиёд нусхадаги китоб Бўка райони кутубхоналарига етказиб берилди.

Иқкита бадиий ҳаваскорлик ансамбли ҳам шу кунларда тез-тез теримчилар меҳмони бўлмоқда. Тез орада «Строитель» маданият уйининг «Юность» цирки артистлари томоша кўрсатгани келадилар.

Теримчилар ихтиёрида радио, магнитофон, телевизорлар бор. Бўш вақтда спорт ўйинлари ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Амалга оширилаётган шу тадбирларнинг ҳаммаси теримда қатнашаётган барча меҳнаткашларнинг активлигини оширишга йўналтирилгандир. Яхши кайфият ҳамроҳ бўлган ерда эса меҳнат унуми ҳам юқори бўлади. Бу йил ангренликлар Бўка меҳнаткашларига социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этишга катта ёрдам беришларига сира шубҳа қилмаймиз.

С. ХОЛМИРЗАЕВ,
шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари, штаб бошлиғининг ўринбосари.

ЕЛКАДОШИМИЗ

Ангрен резина-техника заводи теримчилари октябрь ойининг биринчи беш кунлигида шаҳар саноат корхоналари ва ташкилотлари ҳашарчилари ўртасидаги мусобақада биринчи ўринни эгаллашди.

Бизнинг Бўка районидаги Мичурин номли колхоз меҳнаткашлари билан алоқамиз узоқ йиллардан бери давом этиб келади. Заводимиз бу хўжаликни оталиққа олган. Оталиқ ёрдами кейинги йилларда айниқса кенг қулоч ёймоқда. Колхоз ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юксалишига ҳисса қўшмоқдамиз.

Айни кунларда пахтазорларда 450 ишчи ва хизматчи йиғим-теримда қатнашмоқда. Улардан 300 киши доимий шу ерда, 150 киши эса сменадан бўш пайтларида ҳар куни қатнаб теримда иштирок этяпти. Бу теримчиларнинг ҳар бири ҳисобига кунига 75—78 килограммдан пахта терилмоқда.

Районда Ангрен шаҳрининг 54 саноат корхонаси, қурилиш ташкилоти, транспорт, савдо ва маиший хизмат ташкилотлари йиғим-теримда қатнашаяпти ва улар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Ҳозиргача бизнинг эл хирмонига қўшган ҳиссамиз 450 тоннадан ошиб кетди. Икки пахта териш машинамиз билан эса ҳозиргача 300 тонна ҳосил йиғиштириб олинди.

Ниженер Гули Исоқова шахсий меҳнат беллашувининг олдинги сафида боряпти. У бир кунлик кўрсаткични 220 килограммгача етказди. Бир ҳафта мобайнида у терган пахта 1400 килограммга етди. СССР Конституцияси байрамини ҳашарчиларимиз ана шундай улкан муваффақиятлар билан кутиб олишди. Бу куни биз учун ҳақиқий байрам бўлди — тантанали йиғилишда Бўка район партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини ҳамда 150 сўм пул мукофотини олдик. Беш кунлик якунлари бўйича заводимиз илғор теримчилар учун 300 сўм пул мукофотни ажратди. Рекордчи теримчимиз Гули Исоқовага мукофотга палос тақдим этилди. Ҳар бири 180—200 килограммга етказиб пахта терган техника назорати бўлимининг назоратчиси Дилором Маматова, иқтисодчи Эгамберди Қуролов, диспетчер Ҳадича Ғиёсова, бухгалтер Ҳолида Рашидова, елимловчи Нафиса Абдуолимова, вулканизатор Тўлқин Эргашев, ишчи Н. Сирожева, слесарь Сайдулла Назиров, елимловчи Шаҳодат Абдураимовалар ғолибни сервизлар совға қилиш учун ҳаракат қиляпмиз.

И. ИСКАНДАРОВ,
Ангрен резина-техника заводининг директори.



ТЕРИМДА шахсий меҳнат беллашувида юзлаб ишчилар, инженер-техник ходимлар, зиёлилар, ўқувчилар ҳар куни 150—200 килограммга етказиб «оқ олтин» териб, пешқадамлар сафида боришяпти. Резина-техника заводи техника назорати бўлимининг назоратчиси Д. Маматова ва медицина билим юртининг 3-курс талабаси С. Режаматова (ўнгда) беш кунлик якуни бўйича ғолиб чиқиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Улар айни кунларда ҳам 110—120 килограммга етказиб пахта теришмоқда.



ЗАВОД ИШЧИСИ МАШИНА РУЛИДА

ЎРОҚ ва болға ҳамкорлиги, шаҳарнинг қишлоққа оталиқ ёрдами йил сайин янада кенг қулоч ёйиб, ривожланиб бормоқда. Кейинги пайтда фақат ҳашарчи теримчилар эмас, балки ўзининг механик-ҳайдовчилари билан йиғим-терим мавсумида қатнашиш анъана тусига кириб қолди. Ёрдамнинг бу усули тобора яхши натижа бермоқда. Жумладан, бу йил Ангрен шаҳрига тегишли 12 та пахта териш машинаси район хўжаликларида жавлон урияпти.

«Ватанпарвар-81» номли механик-ҳайдовчилардан иборат отряд аъзолари «Ленинизм», «Коммунизм», «Ленин йўли», Ҳамза, Мичурин, Жамбул, Фрунзе номли хўжаликларда колхоз механизаторлари билан елкама-елка туриб агрегатларда пахта теришмоқда. Ҳозиргача отрядимиз жангчилари эл хирмонига 900 тоннадан ортиқ ҳисса қўшишди.

Механик-ҳайдовчилар ўртасидаги меҳнат беллашувида комсомол-ёшлар механизацияланган экипажининг командири, Ангрен резина-техника заводининг мастери Ўрол Бекназаров экипажи пешқадамлик қиляпти. Бу экипаж аъзолари — слесарлар И. Эрматов, Э. Тангатов, прессчи Ф. Халисов ва командир Ў. Бекназаровлар иккита «зангори кема» бункеридан ўтган йили 300 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўккан эди.

Бу йилги кўрсаткичлар янада юқори. Ҳозиргача терилган пахта 400 тоннага етиб қолди. Улар ҳар куни 6—7 тоннага етказиб, жами 24—27 тоннадан пахта теришмоқда.

Ў. НАЗАРМАТОВ,
Марказий электр-механика устахонаси слесари, механик-ҳайдовчи.

ЗАРБДОР ОТРЯДЛАР

«Транспортник» ёшлар зарбдор отряди аъзолари бир неча йилдан бери Бўка районига пахта теримида яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Улар Ангрендаги юклаш-транспорт бошқармасида меҳнат қиладилар. Терим бошланиши билан бу коллектив ҳам деҳқонларнинг яқин кўмакчилари бўлиб қолганлар.

«Транспортник» отряди жойлашган дала шийпонини оталиқ ташкилотлар қуриб беришган. Бу ерда ҳозир 180 киши яшаб меҳнат қиляпти.

Отряд аъзолари пахта теримида йилдан-йилга яхши кўрсаткичларни қўлга киритишмоқда. Бу йил ҳам улар шаҳар комсомол-ёшлар отрядлари ўртасида пешқадамлар сафида боришяпти. Мавсум бошидан бери улар колхоз хирмонига 60 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкдилар. Айниқса, М. Матибороҳимова ва А. Матқуловлар 130—140 килограммдан пахта териб мусобақада ҳаммага намуна кўрсатишяпти. Ҳозир отрядимиз кунига 9—10 тоннадан дурдона теришмоқда.

Район далаларида биз билан бирга «Политехник» ва «Спутник» зарбдор отрядлари ҳам фидокорона меҳнат қилишяпти. Ангрен саноат корхоналарининг политехника институти кечки бўлимида таълим олаётган ишчиларидан иборат «Политехник» отряди ҳам мусобақада пешқадам ҳисобланишади. Бу ерда ҳар бир киши кунига ўртача 68 килограммдан пахта терб беряпти. Илғор теримчилар эса 150—220 килограммга етказиб «оқ олтин» тўкмоқдалар.

М. ҚОСИМОВ,
Ангрен шаҳар юк ортиш-транспорт бошқармаси комсомол ташкилотининг секретари.

ТАКЛИФЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСИН

Янгийўл районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхози аъзолари бу йил катта марраларни кўзлаганлар. Пахтакорлар ҳар гектар майдондан 42 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга қарор қилганлар. Ҳўжаликнинг бошқа соҳаларини ҳам янада ривожлантириш, барча турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан юксак мажбуриятлар олишган.

Съездлар йилининг улкан марралари, олинган юксак мажбуриятлар колхоз коммунистлари зиммасига катта масъулият юклайди, уларни ваъдага вафо қилиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни самарадорлигини тинмай ошириш учун курашнинг олдинги сафида бўлишга даъват этади. Цех партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилаётганликлари яна бир бор намоён бўлди.

— Ўтган йили участкамизда гектаридан олинган пахта ҳосили 40,3 центнерни ташкил этди, — деди 4-участка цех партия ташкилотининг секретари А. Азаматов ўз ҳисобот докладида. — Бироқ илғорлар тажрибаси ҳосилдорликда бу кўрсаткич чегара эмаслигини, талайгина резервлардан фойдаланилмай келинаётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, 10-звенода гектаридан 41,4 центнердан, 9-звенода эса 41,3 центнердан «оқ олтин» йиғиб-терib олинди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан участка бошлиғи П. Далабоев, 11-звено бошлиғи Т. Эрматов, 12-звено сифат инспектори Т. Жўраев ва бошқа коммунистлар участка коллективи бу йил давлатга ҳар гектар ердан ўртача 43 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганини, далаларда ана шу ваъдага яраша ҳосил етиштирилганлигини таъкидладилар. Эндиги вазифа — ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишдан иборатдир. Бунда коммунистлар шахсий ибрат кўрсатишлари лозим.

— Цех партия ташкилоти меҳнат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериши зарур, — деди Стаханов участкаси цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунист Т. Бўрибоева. — Бу айниқса, пахта йиғим-терим даврида жуда муҳимдир. Бу паллада қуллар эмас, соатлар, минутлар ҳам гоят қадрлидир. Давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг қисқа муддатда бажарилиши ҳар бир кишининг иш вақтидан тўғри ва унумли фойдаланишига боғлиқдир.

Машина-трактор парки цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам ишчанлик, танқид ва ўзўзини танқид руҳида ўтди. Йиғилишда қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида жиддий фикрлар билдирилди. Коммунистлардан М. Тўйчиев, Н. Асомов, Т. Тўқсонов ва бошқа ўртоқлар тракторлар, юк машиналари ҳамда бошқа хилма-хил техника воситаларини намунали сақлаш, бу муҳим ишда шофёрлар ва механизаторларнинг масъулияти ва жавобгарлигини оширишни таклиф қилдилар. Ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлардан тўғри фойдаланиш, иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун курашни авж олдириш зарур.

Кейинги йилларда колхозда жамоат чорвачилиги жадал суръатлар билан ривожлантирилмоқда. Хўжалик 1980—1981 йиллар қиш давридаги мувaффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Ана шу юксак мукофотдан руҳланган чорвадорлар бу йил ҳар бир сигирдан 5100 килограммдан сут соғиб олиш учун курашмоқдалар.

— Чорвадорларимиз юксак ваъдаларига яраша меҳнат қилмоқдалар, — деди чорвачилик фермаси цех партия ташкилоти секретари М. Юсупов ўз докладида.— Хўжалигимиз давлатга сут ва гўшт сотиш йиллик планларини районда биринчи бўлиб ортиғи билан бажардилар. Эл дастурхонига 1270 тонна ёки планда белгиланганидан қарийб 40 тонна ортиқ сут тортиқ қилинди. Колхоз бўйича ҳозиргача ҳар бир сигирдан 3696 килограммдан ёки ўтган йилнинг шу давридагидан 112 килограмм ортиқ сут соғиб олинди.

Бу ютуқларда цех партия ташкилотининг ҳам роли катта. Цех партия ташкилоти социалистик мусобақага раҳбарликни такомиллаштирмоқда, мусобақа якунларини ўз вақтида кўриб чиқмоқда. Ғолиблар шарафига фермада меҳнат шон-шуҳрати байроғи кўтариш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилган. Ж. Асхўжаева, Г. Бўрибоева, А. Тожиева, Х. Ғуломова каби сут соғувчилар мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Улар ҳозиргача ҳар бир сигирдан 3800—4500 килограммдан сут соғиб олдилар. Музокарада сўзга чиққан коммунистлардан Х. Ғуломов, Ж. Раҳмедов ва бошқа ўртоқлар цех партия ташкилоти партия сафини хотин-қизлар ҳисобига ўстириши, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини ошириши лозимлигини айтдилар.

Чорва қишлови яқинлашмоқда. Хўжаликда қишловга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бу йил ҳар гектар ердан 225 центнердан беда пичани, 800 центнердан хашаки лавлаги етиштириш мўлжалланган.

Йиғилишда халқ контроли комитети ишини яхшилаш, комсомол-ёшлар билан ишлашни кучайтириш, мураббийчилик ҳаракатини ривожлантириш юзасидан ҳам қимматли таклифлар киритилди.

Цех партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида — ўн биринчи беш йиллик дастлабки йили план ва мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга қаратилган қарорлар қабул қилинди, партия бюроларининг янги составлари сайланди. Эндиликда колхоз партия комитети ҳисобот-сайлов йиғилишлари якунларини кўриб чиқиб, коммунистларнинг танқидий фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларини умумлаштиришда, уларни амалга оширish учун конкрет тадбирлар белгиланмоқда.

М. ПЕЙСЕНОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ҚУЛАЙЛИК ОРТМОҚДА

Бўстонлиқ район газлаштириш бошқармаси коллективи аҳоли учун қулайликлар яратиб келмоқда. Коллектив ишчи-хизматчилари райондаги кўплаб қишлоқ ва посёлкаларга «зангори олов» тармоқларини ўтказмоқда. Бугунгача қилинган ишлар 35 минг кишига арзон ёқилғидан фойдаланиш имконятини яратди. Ўтган саккиз ой ичида истеъмолчиларга 1442 тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Шунинг билан бирга табиий газ қувурларини ўтказиш давом эттирилмоқда. 140 километрга чўзилган табиий газ линиялари бугунга келиб аҳоли талабларига тўла жавоб бермай қолди. Шунинг учун бошқарма коллективи яна бир неча километрга чўзиладиган линиялар лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳага кўра яқин кунларда яна 4 километр газ қувурлари ўтказилади. Йил охирига бориб К. Маркс номли колхоз территориясига ҳам 2 километрдан знёд газ қувурлари ётқизилади.

Район газлаштириш бошқармаси аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ҳам олиб бормоқда. Авария ҳолларининг олдини олишга бағишланган суҳбатлар, айниқса, самарали бўлмоқда. Суҳбатларнинг мунтазам ўтказилиши туфайли кейинги ойларда авария ҳоллари, газ плиталарининг бевақт ишдан чиқиш ҳоллари тубдан камайди. Ўтган саккиз ой ичида эса 900 минг куб метр газ тежалди.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

АМЕРИКА ЭЛЧИСИНИНГ АНТИСОВЕТ УЙДИРМАЛАРИ

ТОКИО, 8 октябрь, (ТАСС). АҚШнинг Япониядаги элчиси М. Мэнсфилд яна советларга қарши гаплар айтиб, милитаристик даъватлар қилди. У Хоккайдо оролининг Саппоро шаҳридаги Америка марказида журналистлар билан ўтказилган учрашувда «совет хавфи» деган сийқаси чиққан сафсатани яна тилга олиб, тингловчиларни «шимолдан ҳарбий хавф» бор, деб чўчитди.

Хўш, бу сийқа уйдирмалар Америка дипломатига нима учун керак бўлиб қолди экан? Элчи Япониядан ҳарбий қудратни жадал кўпайтириш, милитаристик тайёргарликларни кучайтиришни андишасизлик билан талаб қилганида ҳаммаси равшан бўлиб қолди.

Америка элчисининг Совет Иттифоқи чегарасига бевосита яқин жойлашган Хоккайдога сафарини бу ердагилар Японияни ўз ҳарбий бюджетини яна ҳам кўпроқ оширишга ва АҚШнинг советларга қарши жаҳоншумул стратегиясида иштирок этишини кенгайтиришга мажбур қилиш мақсадида Вашингтоннинг Токиога навбатдаги тазйиқ ўтказиш даврасининг бошланиши деб билмоқдалар.

Бироқ Мэнсфилднинг урушқоқлик руҳидаги даъватларини Хоккайдо жамоатчилиги қувватламади. Хоккайдо аҳолисининг кўпчилиги Совет Иттифоқи билан яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларини ривожлантириш учун курашмоқда.

ПЕНТАГОННИНГ ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИ

САН-ХОСЕ, 9 октябрь, (ТАСС). Гондурасниng миллий ватанпарварлик фронтига кирувчи оппозициядаги сиёсий партиялари ва ташкилотлари Америка билан Гондурасниng «игл-виста» маневрларини АҚШнинг Кариб денгизидаги ҳарбий тайёргарликларини кўрсатувчи янги далил, деб баҳоламоқдалар. Улар тарқатган қўшма ҳужжатда ушбу маневрлар Никарагуа билан Сальвадорга бостириб киришга тайёргарликдан иборат, деб таъкидланади.

Гондурас меҳнаткашлари бирлашган федерациясининг вице президенти Рамон Варела ҳам «игл-виста» маневрларини қатъий қоралади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР КАМСИТИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН, 9 октябрь. (ТАСС). Президент Р. Рейган Оқ уйда сўзлаган нутқида АҚШда хотин-қизларни камситиш сақланиб қолаётганлигини тан олди. Шу билан бирга у ана шундай камситишга қарши ҳаракат қилаяпман, деб ишонтирди.

Фактлар шуни кўрсатадики, бу дабдабали баёнотлар ҳозирги маъмурият ниятларининг ишларига сира тўғри келмайди. Бу маъмурият Америка хотин-қизларининг аввало социал-иқтисодий соҳадаги тенг ҳуқуқли бўлмаган аҳволини тугатиш учун ҳеч қандай чора кўрмаяпти.

Оқ уй хўжайинининг нутқ сўзлашидан сал олдин АҚШ миллий фанлар академияси органи бўлган илмий-тадқиқот кенгаши доклад эълон қилди. Бу докладда Рейган ҳукумати даврида ҳам Америкаликларнинг бутун системаси хотин-қизларни шафқатсиз камситиш руҳи билан йўғрилганлиги таъкидланади.

МИСРДАГИ ВАЗИЯТ

ҚОҲИРА, 8 октябрь. (ТАСС). А. Садат ўлими муносабати билан чақирилган МАР мажлиси фавқулодда сессиясининг мажлисида ҳозирги вице президент Хусни Мубарак бир овоздан республика президенти лавозимига номзод қилиб кўрсатилди. Янги президентни сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан референдум 13 октябрда бўлади.

МЕН агентлигининг хабар қилишича, МАР президенти лавозимини вақтинча ижро этаётган Суфи Абу Толиб Х. Мубаракни Мисрнинг бош министри этиб тайинлади. Илгари А. Садат шу лавозимни эгаллаб турган эди.

ТИПОЛИ, 8 октябрь. (ТАСС). Ливия революциясининг раҳбари Муаммар Каддафи «Миср халқи ва қуролли кучларига» йўллаган номасида Мисрдаги сўнгги воқеалар таслимчиликдан иборат Кэмп-Дэвид битимининг барбод бўлиши, МАРнинг шармандалик ва хоинлик сиёсатидан воз кечиш учун имкониятлар яратишини қайд этди. Биз, деди Каддафи, мамлакатда демократия қайта тикланишини, сиёсий маҳбуслар — Носирнинг сафдошлари озод этилишини, генерал С. Аш-Шазли бошчилигидаги сиёсий муҳожирлар қайтиб келишига рўсқат берилишини кутамиз.

Ливия, деб таъкидлади Каддафи, Мисрга ва унинг халқига қарши урушмоқчи эмас. Ливия Садат ёпиб қўйган ўз чегараларини Миср гражданлари учун очишга ва ўзининг барча ресурсларини Миср халқи, унинг революцион қуролли кучлари ихтиёрига бериб қўйишга тайёрдир.

Ливия революциясининг раҳбари «муайян кучларни» Мисрнинг ички ишларига аралашувдан ва «Садатнинг барбод бўлган сиёсатини тиклаш» йўлидаги уринишлардан огоҳлантирди. Каддафи айтдики, Судан, АҚШ ва Исроил таламисликлар қилган тақдирда «Биз Мисрнинг ички ишларига ҳар қандай аралашувига қатъий зарба берамиз».

ДАМАШҚ, 8 октябрь. (ТАСС). Садатнинг ҳалокати унинг сиёсати, унинг «сиёсий йўли» батамом барбод бўлганлигини билдиради. Буни ғарбдагилар, хусусан АҚШ ва Исроил тушунишлари дозим, деб ёзади «Тишрин» газетаси. Мисрда бирон-бир шахс ёки кишилар группаси Садатнинг йўлини давом эттиришга уринib кўрадиган бўлса, у собиқ президентнинг қисматига мукаррар дуч келади. Бу, табиийки, Вашингтонни ташвишга солмоқда.

Ҳозир АҚШ Чилида, Сальвадор ва бошқа мамлакатларда бехаёлик билан қилган ишни бу ерда ҳам қилдили— қўғирчоқ фашист режимини ўрнатиши мумкин. Шу билан бирга, деб уқтиради газета, кейинги кунлардаги воқеалар Миср халқи ҳам, Миср армияси ҳам мамлакатда Вашингтон агенти ҳукмронлик қилишига йўл қўймасликларини кўрсатди.

НЬЮ-ЙОРК, 8 октябрь. (ТАСС). Си-Би-эс телекомпаниясининг махсус мухбири Уэ Кронкайт Қоҳирадан қуйидагиларни хабар қилди: шаҳар кўчаларида особийталик ҳукм сурмоқда. Йўловчиларнинг чеҳраларида яқинлагина содир бўлган воқеа муносабати билан қайғудан асар ҳам йўқ. Миср халқи 11 йил муқаддам Носирнинг вафот этганлигини қандай қабул қилганлиги билан шу халқ эндиликда Садатнинг ўлимига қандай муносабатда бўлаётганлиги тўғрисидаги тафовут менн ҳайратда қолдирди. Носирнинг вафоти тўғрисидаги хабар Қоҳирага тарқалганда халқ оммаси кўплаб кўчаларга чиққан эди. Одамлар қайғу аламдан кўчаларда ўзларини тащлаб йиғлаб чекишган эди. Ҳозир эса бундай ҳоллар асло кўринмайди. Тўда осойишталик ҳукм сурмоқда.

ВАШИНГТОН, 8 октябрь. (ТАСС): АҚШ маъмурияти Мисрдаги воқеалардан Кэмп — Дэвидда арабларга қарши сепарат битим билан бошланган йўлни давом эттириш учун фойдаланиб қолишга уринмоқда. АҚШ давлат секретари А. Хейг бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида очиқдан-очиқ гапириб, АҚШнинг Яқин Шарқдаги сиёсати «авваллигидек Кэмп-Дэвид битимлари билан белгиланади», деди. Хейгнинг гапларидан шу нарса равшан бўладики, Вашингтон ўз мақсадларига эришиш учун мазкур региондаги мамлакатларга тазйиқ ўтказиш сиёсатини давом эттириш ниятидадир.

„ЗАНГОРИ ЭКРАН" ҲАФТАЛИГИ

Телетомошабинлар диққатига!

Профилактика муносабати билан «Восток» программасининг душанба 12 октябрь куни соат 9.00 дан 17.55 гача бўлган кўрсатувларини 5-канал орқали томоша қилинг.

ДУШАНБА

12 ОКТЯБРЬ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Қўшиқларимиз парвози. 11.00 — Болалар учун фильм. 12.10 — «Звездочет». Телевизион журнали. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.00—Концерт. 16.40 Телестадион. 17.10 — Горнчилар қаердасиз? 17.40 — Халқ оҳанглари. 17.55 — Сиз яратган боғ. 18.25 — Фильм-концерт. 18.55 — Мультфильм. 19.05 — Телевизион фильм. 19.55 — Сўнгги гайдук. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.35 — Мўъжизасиз мўъжизалар.

МТ-IV

Профилактика муносабатлари билан душанба, 12 октябрь куни Марказий телевидение IV программасининг кўрсатувлари намойиш этилмайди.

УзТВ-I

17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Мактаб ўқувчилари учун «Менинг Ўзбекистоним». 18.30 — Ватанпарвар. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45—Рассом П. П. Беньков. 20.30—Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Лалварлик овчи. Бадиий фильм. 23.35 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II

18.10 — Қўғирчоқ фильм. 18.25 — Телефильмлар. 19.30 — Ўқитувчи экрани. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Асрнинг буюк кояларига хизмат қилиб. Видеофильм.

СЕШАНБА

13 ОКТЯБРЬ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Чевар-Марья. Бадиий фильм. 11.45 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Концерт. 16.45—Кинопрограмма. 17.35 — Уфқ. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 20.05 — Тропиннлар. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Тропиннлар. Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.30 — Дунё воқеалари.

МТ-IV

9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05— Француз тили. 10.35 ва 11.35 —Физика 11.05 — Эленистик давлатлар саҳъати. 12.35 ва 13.35 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 13.05 — Шахмат мактаби. 14.05 — Азизим Саша... (А. Одоевскийга бағишланади). 15.00 — Гомер. Одиссея.

ЎҚИТУВЧИ ЭКРАНИ

15.55 — Зоология. 16.20 — Музика. 16.50 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 — Халқаро панорама. 21.15 — Мультфильмлар. 21.30 — Время. 22.05 — Чайкалар учиб келаверсин. Телевизион бадиий фильм.

УзТВ-I

18.20 — Сўз кетидан сўз келар. 18.40 — Фильм-концерт. 19.00 — Ўқувчилар бригадаларида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон ССР социал-таъминот министри С. У. Султонова телетомошабинларнинг саволларига жавоб беради. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Концерт.

УзТВ-II

18.05 — Телефильм. 18.30 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Металлург» (Череповец). 20.45 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.15 — Ҳужжатли фильм.

ЧОРШАНБА

14 ОКТЯБРЬ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Тропиннлар. Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Концерт. 16.30 — Қувноқ стартлар. 17.15 — Кинопрограмма. 18.00 — Халқ ижодиёти. 18.45 — Биз БАМни қурямиз. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.55 — Фан оламида. 20.25— Қора учбурчак. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 —Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак».

МТ-IV

9.00 — Время. 9.45 — Телевизион ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Немис тили. 10.35 ва 11.35 — Жамиятшунослик. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Тарих. 12.35 ва 13.35 — Умумий биология 13.05 — Ота-оналар, Сизлар учун. 14.05 — А. С. Грибоедов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 14.55 — Табиатшунослик. 15.15 — Беш йиллик —ёшлигим менинг.

ЎҚИТУВЧИ ЭКРАНИ

16.00 — География. 16.30— Н. В. Гоголь. Тарас Бульба. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзуларидаги суҳбати. 21.15— Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар, Эҳ, сени қара Тишка, Тишка! Мультфильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қора — Кийикка йўл. Телевизион бадиий фильм.

УзТВ-I

11.30 — Химия. 12.00 — Телефильм. 12.30—Химия. 13.00 — Халқлар дўстлиги — ада-биётлар дўстлиги. 13.40 — Лалварлик овчи. Бадиий фильм. 18.20 — Тенгдошларинг ижодидан. 18.50 — Феази Алиев қўшиқлари. 19.30— Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Турмуш ва маданият. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Театр шарҳи. 23.40 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II

18.05 — Телефильм. 18.40— Эстетика асослари. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20—Ҳужжатли фильм. 20.30 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.00 — Шаҳримиз ҳақида қисса. Ҳужжатли фильм.

ПАЙШАНБА

15 ОКТЯБРЬ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Горнчилар қаердасиз? 10.35— Қора учбурчак. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.40—15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Сен қонунни биласанми? 16.30 — Концерт. 17.00 — Телевизион журнал. 17.30 — Рус тили. 18.00 — Усмирлар ижоди. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Расмларда қуёш ак-си бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 19.55 — Биргаликда, аҳил оиламиз. 20.25 — Қора учбурчак. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Адабий мерос. 1-фильм. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.10—Адабий мерос. 2-фильм.

МТ-IV

9.00 — Время. 9.45 — Атоммаш — бригада. 10.05 ва 12.05 — Испанча сўзлашинг. 10.35 ва 11.40 — М. Ю. Лермонтов, Савдогар Калашников ҳақида қўшиқ. 11.00 — Сиз яратган боғ. 11.30 ва 16.50 — Илмий-оммабоп фильм. 12.40 ва 13.40 — Физика. 13.10— В. Брюсов лирикаси. 14.10 — Проза саҳифаларида. 14.55 — Мактаб ва ижод. 15.25 — Менинг тақдирим. Бадиий фильм. 2-серия. 19.30 — Ер ости бойликларининг ҳароратига. Илмий-оммабоп фильм. 19.45— Ҳамдўстлик. 20.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. Офтобни қандай қилиб уйғотди. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Тбилиси).

УзТВ-I

11.30 — Жамиятшунослик. 12.00 — Болалар учун концерт. 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 13.30 — Телефильмлар. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.35— Ноқоратупроқ ўлка уфқлари. 1-кўрсатув. 19.10 — Йиллик план—7 ноябрга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшанида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Терговни билимдонлар олиб боради. Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

УзТВ-II

18.10 — Болалар учун фильм. 18.20 — Телефильм. 19.20 — Классик куй саҳифалари. 20.00 — Янгиликлар. 20.40 — Китоб дўстлари. 21.10 — Дала кундалиги.

ЖУМА

16 ОКТЯБРЬ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Сизга манзур шеърлар. 10.35 — Қора учбурчак. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — Фильм-концерт. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар 16.00 — И. Соколов—Микитов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.45 — Шахмат мактаби. 17.15 — Тажриба якунланганда. 17.45 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Фильм-концерт. 20.20 — Қора учбурчак. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30— Время. 22.05 — Кинопанорама. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.50 — Концерт.

МТ-IV

9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 —Инглиз тили. 10.35 ва 11.40 — Тарих. 4-синф. 11.00 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.30 — Илмий-оммабоп фильм. 12.40 ва 13.40 — И. А. Крилов масаллари. 5-синф. 13.10 — Монументал пропагандаиинг ленинча плани. 1-кўрсатув. 14.10 — С. С. Прокофьев музикаси.

ЎҚИТУВЧИ ЭКРАНИ

14.55 — Тарих. 5-синф. 15.25 — География. 7-синф. 15.55 — С. Я. Маршак. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.55 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Концерт. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК—«Сокол».

УзТВ-I

11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — «Бизнинг Ералаш». 13.10— Интернационал шеърият кечаси.

18.20 — «Тонгги қўшиқ». Мультфильмлар. 18.55—«Ёшлик». 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Терговни билимдонлар олиб боради. Бадиий фильм. 2-серия.

УзТВ-II

18.10 — Музикали телефильм. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Пахтакорлар хизматида. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильмлар. 21.30 — МТ-IV.

ШАНБА

17 ОКТЯБРЬ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Ота-оналар, сизлар учун. 10.35 — «Қора учбурчак». Бадиий фильм. 3-серия. 11.45 — Советлар ва ҳаёт. 12.15 — «Камалак». 12.45 — Ғолиблар. Фронтдош дўстлар клуби. 14.25 — П. Чайковский. Концерт. 15.00 — «Дунё воқеалари». 15.15 — Болалар учун бадиий фильмлар программаси. 16.10 — «Ҳайвонот оламида». 17.10 — Мультфильмлар программаси. 17.30 — Снёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 18.00 — Телевизион фильм премьераси. 19.00 — «Терроризм — империализм қуроли». 19.45— Балет артистларининг концерти. 20.15 — «Санъат устала-рия. Софико Чиаурели. 21.30 — «Время». 22.05 — «Қизил чиннигул». Концерт. 23.35 — Янгиликлар.

МТ-IV

9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 10.30 — Тонгги почта. 11.00 — «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». 11.55—Концерт. 12.15 — «Олам кинокамера кўзгусида». 13.20 — «1981 йил қўшиқлари». 14.00 — «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 — Фильм-спектакль. 17.20—Музикали киоск. 17.50 — Телевизион ҳужжатли фильм. 18.10 — Милиция ёш хизматчилари билан учрашув. 19.40 — «Здоровье» программаси. 20.25 — РСФСР фольклор рақс ансамбларининг чиқиши. 21.15 — Мультфильм. 22.05 — «Аёлларни эъзозланг». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

УзТВ-I

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 11.30 — «Инсон ва қонун». 10.50— Музикали телефильм. 12.25 — Болалар учун телевизион театр. 14.20 — «Ўзбекистон спорти». 15.00 — «Киноредакция почтасидан». 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — «Юлдузча». 18.50 — Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчилар пахта далаларида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси». 22.20 — «Аршин-мололан». Музикали кинокомедия. 23.50 — Кўрсатувлар программаси.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ЯКШАНБА

18 ОКТЯБРЬ

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — «Зарядкага сафланинг!». 10.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 — «Здоровье» программаси. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — «Музикали киоск». 14.30 — Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 15.00 — Фильм-спектакль 16.55 — Мультфильм. 17.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.00 — Концерт. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — «Бугун озиқ-овқат саноати ходимлари куни». 19.30 — Музикали программа. 20.10 — Экранда кинокомедия — «Само аравакаши». 21.30 — Время. 22.05 — Л. Бетховеннинг тўққиз симфонияси. 4-симфония. 23.10— «Онегo». Ҳужжатли фильм. 23.40 — Янгиликлар.

МТ-IV


9.00 — «Время». 9.45 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 10.30 — «АБВГДейка». 11.00 — «Камалак». 11.30 — Болалар учун фильм. 12.35 — «Биз БАМни қурямиз». 13.15 — Концерт. 13.45 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 14.50 — «Ёш келин-куёвлар» телевизион клуби. 16.05 — Эстрада программаси. 17.35 — «Илк қувончлар». 19.00 — Халқаро мусобақа. 19.45 — Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 20.15 — «Цирк майдонида». 21.15 — Мультфильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Аёлларни эъзозланг». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

УзТВ-I

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Уйлаб топ». 10.40 — «Қўлингни бер, дўстим». Бадиий фильм. 11.45 — «Бугун — озиқ-овқат саноати ходимлари куни». 12.10 —Телефильм. 12.20 — Концерт. 13.10 — «Кинопублицист экрани». 13.55 — «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». 14.35 — Реклама. 16.55 — Кўрсатувлар программаси. 17.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Автомобилист» (Свердловск) 19.10 — Телефильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Цирк, цирк, цирк». 20.30 — «Ахборот». 20.50—Дам олиш концерти. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 23.30—Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



ЭСТОНИЯ ССР. Таллиндаги 2-нон заводининг 300 граммлик «Кадрн» булочкалари харидорларга манзур бўлмоқда. Нон заводи бу билан ўз маҳсулот турларини яна биттага оширди. Суратда: завод механизация линияларининг бирида.



ОМСК. Владимир Паруснков телевизор заводида энг моҳир ихтирочилардан ҳисобланади. У штамповка цехида майда ва аниқ деталларни тайёрлашда автомат ва ярим автоматларни ихтиро этди. Унинг бу ихтироси 1981 йилги СССР Давлат мукофотига тавсия этилди. Суратда: В. Паруснков.

Э. Норман ва А. Чепуркс фотолари.

ТАСС фотохроникаси.

Бизнинг ахборот

ОРТИҚЧАСИ ДАВЛАТГА!

Район аҳолиси ўз шахсий хўжаликларида етиштирилган ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга топширмоқда. Бу борада «Дальварзин» қишлоқ Совети ибратли ишларни амалга оширяпти. Шу кунгача аҳолидан 50 тоннадан ортиқ сут сотиб олиниб, давлатга топширилди.

Шунингдек, меҳнаткашлар ўз томорқаларида етиштирилган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини ҳам шаҳарликларга тортиқ қилмоқдалар. Август ойининг ўзида 25 тонна олма топширган қишлоқ Совети аҳолиси айни кунларда узум топширишни қизғин давом эттирмоқдалар.

КИТОБ БАЙРАМИ

Район педагогика билим юртида бўлиб ўтган китоб байрамида республика маориф министрлиги, район партия комитети вакиллари ҳамда билим юртининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар.

Ёшлар билан китоб ҳақида қизиқарли суҳбат ўтказилди, байрамга қатнашганлар билим юрти ҳовлисида ташкил этилган китоб савдоси турфайли хилма-хил китобларга эга бўлдилар.

Байрам сўнгида район маданият уйининг ҳаваскорлари концерт қўйиб бердилар.

«АВАНГАРД»ДА ЯНГИ БОҒЧА

Партия ва ҳукуматимиз томонидан жажжи кичкинтойларга кўрсатилаётган ғамхўрликни «Авангард» совхози механизаторлари ҳам дилдан ҳис этмоқдалар.

Яқинда совхоз марказида 90 ўринли янги типдаги болалар боғчаси қуриб, фойдаланишга топширилди. Айни йиғим-терим палласида яратилган бу қулайликдан барча дала меҳнаткашлари мамнун бўлмоқдалар.

К. РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Бекобод райони.

«ОҚ ҚАНОТ» ДАЛА КЕЗАДИ

«Оқ қанот» ансамблининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ансамбль иштирокчилари шу қисқа давр ичида ғалаба районини меҳнаткашларга таништириб қолди. Шу кунларда эса улар пахтакор, чорвадор ва лубкорлар ҳузурида бўлиб, уларга маданий хизмат кўрсатмоқдалар.

Коллектив район маданият уйи томонидан тузилган агитбригада составида райониинг Киров, Свердлов, «Москва», «Ленинград» ҳамда Энгельс номли колхозларида ўз репертуарларини намойиш этди. С. Налибоев, А. Юнусов, А. Налибоева каби ёш талантларнинг чиқишлари дала меҳнаткашларига манзур бўлмоқда.

С. МУСТАФОЕВ.

БОЛАЛАР КИНОЛЕКТОРИЙЛАРИ

Социалистик Чирчиқ шаҳрида ўнга яқин кинотеатр ишлаб турибди. Ўзбек шоъриятининг буюк даҳоси Алишер Навоий номи билан аталмиш томоша зали бу ерда ташкил этилган биринчи кенг экранли кинотеатр ҳисобланади.


Эндиликда мазкур маданият даргоҳи кино санъатини пропаганда қилувчи масканга айланган. Бу ерда кино ходимларининг бой тажрибалари оммалаштирилмоқда. Томошабин ота-оналар билан давра суҳбатлари ташкил этилаётир.

Кинотеатр ҳузурида фаолият кўрсатаётган кинолекторийлар ишидан томошабинлар ҳурсанд. «Ёшлик», «Ватанпарвар», «Ёш атеист» деб номланган кинолекторий машғулотлари жуда қизиқарли ўтмоқда. Бу машғулотлар тингловчиларининг асосий кўпчилиги мактаб ўқувчиларидир.

Шунингдек, «Маданият мактаби», «Адабиёт ва сен» деган лекторийлар ҳам талайгина актив тингловчиларига эга. Лекторийлар ёш томошабинлар билан яқиндан иш олиб бориш мақсадида жойларга кўпгина абонемент тарқатди. Ҳозир улар сони 42 мингдан ортиб кетди.

Кинолекторийлар машғулотларида болалар ҳаётига онд суратга олинган бадиий ва ҳужжатли фильмлардан, илмий-оммабоп ленталардан парчалар намойиш қилиш ҳам йўлга қўйилди.

С. ОДИЛОВА.



Эл қатори Оққўрғон райони Давлат автоинспекцияси ходимлари ҳам терилган ҳосилни тезда жўнатишни таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Улар район территориясидаги барча транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишди. Суратда: катта инспектор М. Ўринбоев ва йўл назоратчиси М. Мирзахоновлар «Ленинобод» колхозидан пахта ташиётган трактор прицепининг техник соазлигини текшириб кўришмоқда.

П. Эргашев фотоси.

ТАДҚИҚОТ КУЧЛАРИ МАРКАЗЛАШДИ

Ўрта Осиё зонаси автоматлашган алоқа системасининг тузилиш принципларини ўрганиш, алоқа техникасининг ёритгич системаси ва элементларини тадқиқ этиш каби масалалар комплекс мавзуларни ўз ичига олади. Бу хил муҳим муаммоларни илмий-амалий ҳал этиш йўлида Тошкент электротехника алоқа институтида қатор тадқиқотлар амалга оширишга киришилди.

Автоматлаштириш алоқа системаси билан боғлиқ бу йирик илмий мавзулар СССР Алоқа министрлиги томонидан маъқулланди. Мазкур комплекс проблемаларнинг аксарияти давлат бюджети ҳамда хўжалик шартномаси асосида бажарилади. Илмий ва ижодий ҳамкорлик йўли билан ҳал этиш учун эса 15 та тема ажратилди.

Тадқиқот кучларини марказлаштириш ва координациялаш мақсадида олий ўқув юрти ҳузурида проблема-тематик кенгаш тузилди.

КИЧКИНТОЙЛАР ДАВРАСИДА

«ҒАМХЎР ЎҒИЛ»

Ишга кеч қолмаслик учун шошилаётган Маҳмуд ака ҳеч деб соатга қарайверди. Буни кўрган Равшан бидирлаб деди:

— Дада, қўрқманг! Сиз ишга шошилманг, деб соатни тўхтатиб қўйганман.

ЙИҒЛАШИНИНГ САБАБИ

Жажжи Қодиржондан:

— Нега чақалоқ уқанг йиғлайверади? — деб сўрашди.

— Ахир унинг тишлари, сочлари йўқ-да. Бунинг устига юра олмайди. Гапиришни билмайди. Шунга йиғлайди,— деди Қодиржон ҳозиржавоблик билан.

СЎРАБ ОЛДИМ

Дилбар хола Дилшоднинг қўлидаги бир сиқим «Қорақум» конфетини кўриб сўради:

— Нега рухсатсиз олдинг?

— Жуда егим келиб кетди-да, опсам майлими, десам ҳеч ким индамади...

ҚАРИ ИЛОН

— Акам билан битта қари илон тутиб олдик,—деди бир бола ўқитувчисига.

— Жуда яхши, лекин илоннинг қарилигини қандай билдинг.

— Акам айтдилар, у кўзойнакли экан.

АТЛАС

Жаббор акани кўчада ўйнаб юрган кенжа қизи Мунира кўриб қолди.

— Ада, нима олиб келяпсиз? — деб сўради у.

— Опаларингга атлас.

— Менга-чи, мен ҳам атлас кўйлак қияман, — йиғлай бошлади қизалоқ.

— Бу киядиган эмас, ўқийдиган атлас. Мана, ўзинг кўр. —Жаббор ака география атласини кўрсатди.

Тўпловчи С. ҒОФУРОВ

Реклама ва эълонлар

«КАЗАХТРАНСТЕХМОНТАЖ» трестининг
44-ВОДРЕМИ
«СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» ТРЕСТИГА ҚАРАШЛИ
84-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК. Ўқиш муддати—1,5 йил; ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ. Ўқиш муддати—6 ой, 75 сўм стипендия тўланади. Ўқиш тугагандан сўнг Тошкент шаҳри ва Тошкент областида иш берилади.

Меҳнат ҳақи—ишбай-мукофотли, ишнинг кўчма характери учун 30 процент қўшимча қўшиб берилади.

Уч йил ичида квартира билан таъминланадилар.

Елгизларга Тошкент шаҳрида прописка ва ётоқхона берилади.

Йилда бир марта темир йўлда юриш учун бепул билет тўланади, ҳар йили йил охирида мукофот пули (13-ойлик) тўланади ва тариф ставкаси бўйича мукофот берилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 70-уй (1, 5, 2, 10-трамвайлар, 25, 66, 39, 55, 91, 63, 22-автобусларнинг «Космос» магазини бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
Ф. ҲЎЖАЕВ НОМЛИ 1- ПОЙАБЗАЛ ФАБРИКАСИ
ҚОШИДАГИ
143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: пойабзал бошлиғини бичувчи, заготовка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, чарм-галантерея маҳсулотларини тикувчилар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер.

Билим юртига қабул қилинган 8—10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1- пойабзал фабрикасида ва чарм-галантерея фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойабзалчилар маданияти саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (122, 123-автобус, 2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойабзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

Владимир ПАНКОВ

ПИЧИНГДАН ДОД!

Мен сигара чекиб турганимда бу одам меҳмонлар орасидан чиқиб, рўпарамга келди.

— Сиз чекасизми? Мен, сизни спортчи деб ўйлагандим... Ҳа, дарвоқе,— у менга бошдан-оёқ кўз югуртди, — сиз спортчи учун унчалик мутаносиб эмассиз...

Мен илжайиб, сигарета тортдим.

— Нега илжаясиз?... Демоқчисизки, мен ҳам унчалик келишган эмасман? Афсус, биринчи таассурот алдамчи. Аксинча, мен спортчиман...

Мен илжайиб, чекдим.

— Сизнинг шубҳаларингизни тушунаман... Бироқ спортчи — бу аввалам бор ички соғломлик, ташқи кўриниш эмас... Айни чоғда, албатта, у, «ташқи кўриниш» нисбатан кучлироқ таассурот ҳосил қилади. Айниқса, институтлардаги қабул комиссияларида, — у ҳазиллашди.— Шундай эмасми?

Мен илжайиб, чекдим.

— Сиз, балки, мени спорт билан баъзи бўлак мақсадлар йўлида шуғулланади деб тахмин қилаётгандирсиз? Шундаймми?

Мен илжайиб, чекдим.

— Сизнинг пичингларга мойиллигингиз ғалати... Хулоса чиқариш мумкинки, сизнингча, спорт билан шуғулланувчи киши, албатта шундан бир нарса орттиришга умид қилади! Сиз шуни айтмоқчисиз?

Мен илжайиб, чекдим.

— Мулоҳазаларингиз қизиқ... Балки, сиз, менга янги квартирани ҳам спортчилигим учун беришган деб тахмин қилаётгандирсиз? Қизиқ, жуда қизиқ.

Мен илжайиб, чекдим.

— Ахир мен олдинги квартирамни топширдим. Ҳаққоний топширдим. Бу менинг хотинимники бўлса, нима қилибди, қанақа ёмон жойи бор... Аввалги хотиним билан ажралишдик.

Мен илжайиб, чекардим.

— Сиз нимага пичинг қиляпсиз?— қичқираб юборди у. —Сиз ўйлайсизки, мен хотиним билан атайлаб ажралишдим? Аввалги квартирамни сақлаб қолиш учун, шундайми?

Мен илжайиб, чекдим.

— Сиз мени ҳақорат қиляпсиз!... Нима, мен у квартирани бегона аёлга икки қўллаб топшириб қўйишим керакмиди?

Мен илжайиб, чекардим.

— Етар, бу ярамас пичингларни бас қилинг! Ҳеч қанақа бегона аёл бўлмаган. Бўлмаган!!!— У энди бўғилиб ҳиқилламоқда эди.

Мен эса илжайиб, чекардим.

— Бунга чидаб бўлмайди!— бўғилди у менинг ортимдан. — Ҳамма нимадир билади, ҳамма нимагадир пичинг қилади. Мен ақлдан озиб қоламан!...

М. БЕРКОЛАЙКО, Гр. АРКАДЬЕВ.

ЭҲ, ЖИГУЛЬСКИЙ, ЖИГУЛЬСКИЙ,

ЖИГУЛЬСКИЙ телевизор қаршисида какао ичиб, зерикиб ўтирарди. Одатдагидек, мудроқ аралаш зерикиш какао қуйқасидек унинг ичига ҳам билинтирмай оҳиста тарқаларди.

Жозибадор диктор қиз Жигульскийнинг эътиборига навбатдаги кўрсатувни ҳавола қилди. Экранда у ёшлигидеёқ машҳур бўлган киноактрисанинг чеҳраси кўринди. «Наҳотки бу ўша?— ўйлади Жигульский. — Шунча йил ўтди, у эса сира қаримабди!» У ўтмишни эслади, нафасини ичига ютиб тенгдош қизнинг маст қилувчи саргузаштларини кузатарди: у ижро этган қўшиқлар оҳангида ҳушдак чаларди. Мана, орадан анча давр ўтди, аёл ҳамон ёш, қувноқ, у эса... У эркак кўз ёшидек хасис, у жирканч ҳамда тубан ва уни ҳеч ким севмайди.

Бу пайтда актриса томошабинларнинг мактублари қанчалик эўр қувонч бахш этишини гапирар, уларнинг яна ва яна ёзишларини сўрарди...

«Ёзаман!» — руҳланиб кетди Жигульский.

— Ўзим тўғримда ёзаман бор ҳақиқатни. Ҳа, қачонлардир саҳий ва қувноқ бўлганлигим, энди эса елвизак каби ашаддий ва заҳаркунанда бўлиб қолганлигимни ёзаман. Қачонлардир мен ҳаётдан илҳомланардим. Ҳозир эса мен— бошдан-оёқ «йўқ».

Актриса томошабинлар билан хайрлашди, у эса ўйга толди: у ҳам самимий ва хушчақчақлигича қолиши, одамлар қувончига шерик бўлиши, яна,—Жигульскийнинг нафаси сиқди,— ...албатта, у ёзувчи бўлиши мумкин эди! Ҳатто ҳозир, тасодифий қалб гирдобида у ўзини образли равишда елвизакка қиёс қилди. Ҳозир у актрисага ҳақ қоний, чиройли хат ёзади, сўнг актриса унга газета орқали жавоб қайтаради! Чиройли жавоб мактубини мана шундай чиройли сўзлар билан бошлайди: «Эҳ Жигульский, Жигульский!..» Кейин улар орасида худди таниқли драматург Бернард Шоу билан яна аллақайси чет эллик актриса ораларидагидек чиройли ёзишма пайдо бўлади.

Жигульский авторучкани қўлига олди.

«Ҳозир мен Сизнинг иштирокингиздаги эшиттиришни томоша қилдим, — деб қизиқиш билан ёза бошлади у,— ва ниҳоятда ажабланиб шуни аниқладимки, Сизнинг юбкангиз тиззангиздан уч— беш сантиметр юқорида. Сиз бу қилмишингиз билан бизнинг ўсиб келаётган ёш авлодга қандай намуна кўрсатасиз?!».

Эҳ, Жигульский, Жигульский...

Русчадан Ҳ. ОЛИМЖОНОВ таржималари.

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

ЎТГАН ЙИЛ ЖАЗОСИ

Ўтган йили Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси ишларида қатнашиш учун Тошкентга келган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Шароф Рашидов Ўзбекистон ССР Давлат автоинспекцияси ходимларининг ишларини ўз кўзи билан кўриш учун Тошкентдаги Ленин районининг Ғ. Ғулом кўчасидаги йўл ҳаракати назорат постига ташриф буюрди.

Шароф Рашидов йўл ҳаракати назоратчиси Ғайрат Ҳамидовнинг ишини кузатиб, ундан ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини қандай бузганлиги ҳақида сўради.

— Ўтган йили жазоланган ҳайдовчилар ҳозир қандай ишлаяпти? — деб сўради Шароф Рашидов.

Ғайрат Ҳамидов ўтган йили жазоланган ҳайдовчилар ҳақида ҳисобот берди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Шароф Рашидов ҳайдовчиларнинг ишларидан мамнун бўлганини билдирди.

ЎЗИНИ ТАНИТМАЙДИ

Ўзбекистон ССР Давлат автоинспекцияси ходимлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Шароф Рашидовнинг Ленин районидаги Ғ. Ғулом кўчасидаги йўл ҳаракати назорат постига ташрифини ҳеч қачон унутмайдилар.

Ўтган йили Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси ишларида қатнашиш учун Тошкентга келган Шароф Рашидов Ленин районидаги Ғ. Ғулом кўчасидаги йўл ҳаракати назорат постига ташриф буюрди.

Шароф Рашидов йўл ҳаракати назоратчиси Ғайрат Ҳамидовнинг ишини кузатиб, ундан ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини қандай бузганлиги ҳақида сўради.

— Ўтган йили жазоланган ҳайдовчилар ҳозир қандай ишлаяпти? — деб сўради Шароф Рашидов.

Ғайрат Ҳамидов ўтган йили жазоланган ҳайдовчилар ҳақида ҳисобот берди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Шароф Рашидов ҳайдовчиларнинг ишларидан мамнун бўлганини билдирди.

У. УЛУҒХЎЖАЕВА бошчилик қилаётган бригада боғбонлари Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозида пешқадам коллективлардан саналади. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бораётган бригада боғбонлари кунига 15—16 тоннадан ошириб олма териб, мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Суратларда: [юқорида] олманн юк машиналарига ортиш пайти. [Пастда] олтин кузнинг нознеъматлари.

В. Таран фотолари.

ТЎРТИНЧИ ЎРИН КЕЧИКТИРИЛДИ

Жаҳон чемпиони унвони учун Анатолий Карпов билан Виктор Корчной ўртасида ўтказилаётган мусобақанинг тўртинчи партияси 41-юришдан кейин кечиктирилди.

Оқ доналар билан ўйнаган чемпион 35-юришдан кейин бир мунча устунликка эришди.

А. Карпов ҳамон 2:0 ҳисобида олдинда бормоқда.

ШОН-ШУҲРАТ ЙЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ

«Социалистическая индустрия» газетаси мукофоти учун кўп кунлик велосипед пойгаси иштирокчилари қаҳрамон шаҳарлар йўллари бўйлаб 1424 километр масофани босиб ўтишди. Ўзбекистон пойгачилари бир неча оралиқ босқичларида пешқадамлар сафида финишга етиб келишди. Новороссийск — Кичик ер оралиғидаги 12-босқичда Р. Вазеддинов маррага учинчи бўлиб келди.

Ўзбекистон спортчилари Иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград командаларидан кейин умумий тўртинчи ўринни эгаллашди.

«НЕФТЯНИК» ЗОНА ҒОЛИБИ

Мамлакат чемпионати иккинчи лига Ўзбекистон зонаси командалари яна икки турдан сўнг мавсумга якун ясашади. Лекин зона ғолиби маълум бўлди. Тошкент областининг «Соҳибкор» футболчиларини ўз майдонида қабул қилган Фарғонанинг «Нефтяник» командаси 2:1 ҳисобида ғолиб келди ва 1-ўринни олди.

Бу йил «Нефтяник» бошқа зоналарда ғолиб келган командалар билан финалда кеяси йил биринчи лигага ўтиш ҳуқуқи учун курашади.

Сўнгги турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбаҳор» — «Янгиер» — 3:1, «Ёшлик» — «Динамо» — 3:1, «Пахтакор» — «Хисор» — 4:0, «Зарафшон» — «Қаршистрой» — 0:0, «Хўжанд» — «Амударё» —3:0, «Пахтачи» — «Хива» —3:1.

ЭНГ ОММАВИЙ

Бугун Кишинев шаҳрида «Комсомольская правда» газетаси мукофоти учун ГТО кўпкураши бўйича Бутуниттифоқ финал мусобақалари старт олади. Маълумки, ГТО кўпкураши энг оммавий спорт беллашувларидан ҳисобланади. Унинг турли босқичларида миллионлаб спортчилар куч синашадилар. Энг кучлилар эса финал ўйинларида иштирок этишади.



Чирчиқлик Альбина Мачула бир неча бор республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилган. У Тбилиси ва Ереван, Олмаота ҳамда Ростов Дон шаҳарларида ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли қатнашган. Команда ветерани бу сафар ҳам ёшларга ўрнак бўлиш иштиёқида Кишиневга йўл олди. Беш босқич бўйича ўтказиладиган бу мусобақада республикамиз спорт шарафини 27 киши ҳимоя қилади.

ХОККЕЙЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИДА

Тошкентлик хоккейчилар ўз майдонида биринчи бор мухлислар синовидан ўтиб, Москванинг «Локомотив» командаси билан бўлган учрашувда 3:1 ҳисобида устун келишди.

«Бинокор» командаси ҳужумдаги ўсмирлар коллективи ҳам Бутуниттифоқ мусобақаларида яхши қатнашмоқда. Бўлажак ўринбосарлар Омск шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда 8:7 ва 7:6 ҳисобларида ғалабага эришишди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ҒАРОИБ МОСЛАМА


ГДАНЬСК (Польша) инженерлари тропик денгизларда сузадиган кемалар учун ғаройиб мослама яратдилар.

Маълумки, иссиқ тропик иқлимда ҳаво намлиги юқори даражада бўлади. Янги мослама ана шу иссиқ ҳаво оқимини сўриб, ундаги намни тортиб олади, қуруқ, совутилган ҳавони эса кеманинг одамлар яшайдиган жойларига юборади.

Шу тариқа кема каюталаридаги ҳаво мусаффо бўлади, айни вақтда сўриб олинган нам йиғилиб, ичимлик сув ҳосил қилинади.

СПОРТЧИЛАР УЧУН СПОРТНИНГ қишки турлари билан шуғулланувчиларни рўбарўдан есадиган шамол турган пайтда совуқ уришн мумкин.

Эндиликда конькида ёки чанада учувчи спортчилар Америкадаги «Тейлор» фирмаси чиқарган мосламадан фойдаланишяпти. Худди соатдек қўлга тақиладиган бу мослама ҳаво ҳарорати ва шамол тезлиги қанчалигини спортчига билдириб туради.



Телевидение

10 ОКТЯБРЬ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — АБВГДейка. 10.30 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.00 — Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси. 11.50 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.20 — Камалак. 12.50 — Биз БАМни қуряпмиз. 13.30— Концерт. 14.10 — Спортлотонинг 41-тиражи. 14.20 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.20 — Дунё воқеалари. 15.35 — Зангори шлейм. Телевизион бадиий фильм премьераси. 16.15 — Ҳамдўстлик. 17.15—Мультфильм. 17.30 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Кетов суҳбати. 18.00 — Концерт. 18.40 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.25 — Елғондакам касал. Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-серийлар. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган кеча.

МТ-IV

9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 10.25 — Тонгги почта. 10.55 — Объектив. 11.25 — Пўртана. Фильм-спектакль. 13.30 — Чин қалбдан. Мурманск шаҳар балиқчилари билан учрашув. 15.15 — Фильм-концерт. 16.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.30 — Оддий воқеа. Бадиий фильм. 19.00 — Музикали киоск. 19.30 — Жасорат. 20.00 — Здоровье. 20.45 — Катталар учун мультфильм. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30— Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Рига) — «Спартак».

УзТВ-I

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Фаттоҳхон Мамадалиев куйлайди. 10.50 — Сўз кетидан сўз келар. 11.10 — Шахмат мактаби. 11.40 — Светофор. 12.40 — Семург. Бадиий фильм. 18.20 — Фильм-концерт. 18.50 — Қўшиқ-қўшиқхон. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қўшиқ айтган етар. муродга. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Эртага — премьера.

11 ОКТЯБРЬ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг! 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Бугун— Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ходимлари куни. СССР қишлоқ хўжалиги министри В. К. Месяц сўзи. 13.05 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Телевизион спектакль. 16.00 — Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.00 — Мультфильмлар. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Қишлоқ меҳнаткашлари. Сизлар учун. 19.55 — Марказий телевидение экранида биринчи марта. Шахсий фикр. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Л. Бетховен. 3-симфония. 23.10 — Телевизион ҳужжатли фильм. 23.40 — Янгиликлар.

МТ-IV

9.00 — Время. 9.45 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.15 — Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 11.05 — Камалак. 11.30 — Чевар Марья. Бадиий фильм. 13.10 — Ҳайвонот оламида. 14.10 — Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 14.40 — Кинопрограмма. 16.10 — Фильм-концерт. 16.40 — Театр ҳақида ҳикоялар. 17.35 — Илк қувончлар. Бадиий фильм, 6-серия. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — Музикали программа. 20.40 — Америка ҳақида очерклар. 21.15 — Тунингиз қайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Киев). 23.15 — «Спартак» (Москва) — СК (Ростов-Дон).

УзТВ-I

13.55 — Ўзбекистон спортн. 14.25 — Реклама. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ходимлари куни. Кўрсатув ва концерт.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/Х да Олтин девор, 11/Х да Келинлар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/Х да Кулги кечаси, 11/Х да Хизматингизга тайёрмиз.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари —335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги— 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир— 325894.

Р. 02258. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1734. 1 2